

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мажмуаси мажлислар залида «Ҳаж 2019 мавсуми» мавзусида брифинг ташкил этилди



11:26 / 23.07.2019 2078

Жорий йилнинг 23 июль куни «Ҳаж 2019 мавсуми» мавзусида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мажмуасининг мажлислар залида ОАВ учун брифинг ташкил этилди.

Ушбу брифингда аввало Ҳаж ва Умра тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июнь кунидаги 364-сонли «Ҳаж» ва «Умра» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида тизимли равишда амалга ошириб келинаётгани таъкидланди.

Шунингдек, муборак Ҳаж сафарига жўнаб кетаётган зиёратчилар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳаж сарф-харажатларини янада арзонлаштириш мақсадида «Ҳаж - 2019» мавсумига тайёргарлик ишлари барвақт бошлангани, ва тизимли ташкил этилаётгани қайд этилди.

Жумладан, 2016-йилда **5 минг** нафар зиёратчи Ҳаж сафарига борган бўлса, 2017 йилдан буён уларнинг сони **2 минг** нафарга кўпайгани, умумий кўрсаткич **7 мингга** етгани, бу йил ҳам худди **шунча** мўмин-мусулмон юртдошларимиз Ҳаж ибодатини адо этиши айтиб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари Нуриймон Абулҳасан томонидан ўтган йиллардан фарқли равишда бу йил ҳожиларимиз сафар олдидан, ватанда бўлиб турган пайтларидаёқ ўзларини ҳам маънан, ҳам руҳан тайёрлаб, улуғ сафарга муносиб бўлиш мақсадида ижтимоий кўмакка муҳтож шахслар, кам таъминланган оилалар ва аҳоли учун хайрия ёрдами сифатида ўз ташаббуслари билан **9 миллиард сўмдан** зиёд моддий ёрдам кўрсатгани зикр қилинди.

Жорий йилдан эътиборан Саудия Арабистонида барча турдаги хизматларга 5 фоизлик қўшимча қиймат солиғи ва меҳмонхоналарга яна 2,5 фоизлик солиқ киритилгани, хизмат кўрсатиш нархларининг ошишига сабаб бўлиши, лекин Ўзбекистонлик ҳар бир зиёратчи учун белгилаган хизматлар нархи оширилиши ўрнига, сезиларли даражада туширилгани, бу йилги Ҳаж мавсуми учун сарф-харажатлари сметаси бўйича ҳар бир зиёратчидан олинadиган маблағ 33 миллион 300 минг сўм этиб белгилангани, яъни **нарх 5 миллион** сўмга арзонлаштирилгани алоҳида келтирилди.

Юртдошларимиз шу йилнинг 24 июль - 3 август кунлари Тошкент-Мадина, Бухоро-Мадина, Наманган-Мадина, Самарқанд-Мадина, Қарши-Мадина, Урганч-Мадина ҳамда Нукус-Мадина йўналишларида ҳаж сафарига кузатиладилар ва шу йўналишларда мамлакатимизга қайтиб келадилар.

Ўз навбатида, брифингда муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан Ҳаж сафари билан боғлиқ ташкилий ишлар йилдан-йилга яхшиланиб борилаётгани, мисол учун, зиёратчиларимиз шу йилдан эътиборан Мадина шаҳрида 5 юлдузли “**Пулман замзам**” меҳмонхонасида, Макка шаҳрида 4 юлдузли “**Аброжул Ҳидоя**” меҳмонхоналарида истиқомат қилишлари юртимиз зиёратчилари учун галдаги тухфа бўлгани алоҳида айтиб ўтилди.

Якунда юрtdошларимиз мана шундай юксак эътиборга мос равишда ҳаж ибодатини адо этиб, Ватанимизга қайтгач, шахсий ҳаётда, ижтимоий фаолиятда бошқаларга ибрат ва намуна кўрсатишади, бор куч-ғайратларини эзгу, савобли ишларга сарфлашлари таъкидланди.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали